

Вахабов Абдурахим Васикович,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети "Макроиқтисодиёт" кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ГЛОБАЛ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИГА ТАЪСИРИ

УДК: 339.9 (100)**ВАХАБОВ А.В. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ГЛОБАЛ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИГА ТАЪСИРИ**

Мақолада глобал қўшилган қиймат занжирининг моҳияти, вужудга келиши зарурияти, ривожланиш омиллари ва босқичлари таҳлил этилган. Глобал қўшилган қиймат занжирининг жаҳон иқтисодиётини глобаллашувидағи ўрни баҳоланган, ривожланиш кўрсаткичлари ва тенденциялари аниқланган. COVID-19 пандемияни глобал қўшилган қиймат занжирига таъсир этиш механизми ва дастаклари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ёритилган ва жаҳон иқтисодиётини инқироздан чиқиб кетишида глобал қўшилган қиймат занжирининг ўрни аниқланган. Ўзбекистон иқтисодиётини глобал қўшилган қиймат занжирига интеграциялашувига оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: глобал қўшилган қиймат занжирни, халқаро молиявий-иқтисодий инқироз, COVID-19 пандемияси, аутсорсинг, глобал қўшилган қиймат занжирини қатнашиш индекси, глобал қўшилган қиймат занжирни узунлиги, рақамли иқтисодиёт, глобал қўшилган қиймат занжирни концепцияси, горизонтал ва вертикал ихтисослашув, трансмиллий компания.

ВАХАБОВ А.В. ВЛИЯНИЕ COVID-19 ПАНДЕМИИ НА ГЛОБАЛЬНУЮ ЦЕПОЧКУ ДОБАВЛЕННОЙ СТОИМОСТИ

В статье раскрывается сущность глобальной цепочки добавленной стоимости, причины её возникновения, факторы и этапы развития. Даётся оценка роли глобальной цепочки добавленной стоимости в глобализации мировой экономики, определены показатели и тенденции развития. Выявлен механизм и рычаги влияния пандемии COVID-19 на глобальную цепочку добавленной стоимости, его социально-экономические последствия, определено место глобальной цепочки добавленной стоимости в восстановлении мировой экономики. Разработаны научные рекомендации по интеграции экономики Узбекистана в глобальную цепочку добавленной стоимости.

Ключевые слова: глобальная цепочка добавленной стоимости, международный финансово-экономический кризис, пандемия COVID-19, аутсорсинг, индекс участия в глобальной цепочке добавленной стоимости, длина глобальной цепочки добавленной стоимости, цифровая экономика, концепция глобальной цепочки добавленной стоимости, горизонтальная и вертикальная специализация, транснациональная компания.

VAKHABOV A.V. IMPACT OF COVID-19 PANDEMIC ON GLOBAL VALUE CHAIN

In the article is discussed the essence of the added value global chain, the causes of its occurrence, factors and stages of development. The the global value chain's role in the globalization of the world economy was assessed, indicators and development trends were determined. The mechanism and levers of the influence of the COVID-19 pandemic on the global value chain, its socio-economic consequences, as well as the place of the global value chain in the recovery of the global economy, have been identified. Scientific recommendations on Uzbekistan's integration into the global value chain have been developed.

Key words: global value chain, international financial and economic crisis, COVID-19 pandemic, outsourcing, global value chain participation index, global value chain length, digital economy, global value chain concept, horizontal and vertical specialization, transnational company.

Кириш.

XXI аср бўсағасида глобал қўшилган қиймат занжири концепцияси иқтисодий назария фанинг долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларидан бирига айланди. Ҳозирги замон қўшилган қиймат назариялари учун хос бўлган хусусият уни яратувчи омилларнинг тизимлилиги ҳисобланади. Ушбу илмий муаммони тадқиқ этиш турли мамлакатларда глобал ишлаб чиқариш жараёнининг босқичларга бўлиниши, экспортга мўлжалланган товарларни қўшилган қийматнинг келиб чиқиш манбаларига қўра гурухлаш жараёнини моҳиятини очиб бериш имконини беради. Глобал қўшилган қиймат занжири (ГҚЗ) доирасида жаҳон ялпи ички маҳсулотини катта қисми шаклланади ва занжир глобаллашувни элтувчи индикатори, драйвери ҳисобланади. 2020 йилда халқаро савдонинг 70% оралиқ истеъмол учун мўлжалланган товар ва хизматлардан иборат бўлиб, йиллик қиймати 10 трлн.долл.дан ошик суммани ташкил этди¹.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

"Глобал қўшилган қиймат занжири" (ГҚЗ) халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг натижаси ҳисобланади. XX асрнинг 70 йилларида жаҳон иқтисодиётida содир бўлган ўзгаришларга трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) жавоби тариқасида фаол ривожлана бошлади. 2000 йилларнинг бошларида ишлаб чиқариш жараёни глобал миқёсга эга бўла бориб, глобал қўшилган қиймат концепцияси вужудга келди ва қўшилган қийматни жамланиш механизмига турли мамлакатлар қўшила бошлади. ГҚЗда технологик ривожланиш даражасидан қатъий назар турли мамлакатлар қатнаша бошлади, бироқ уларнинг аниқ занжирга қатнашиш даражаси ва ўрни, ушбу занжирдан максимал даромад олиш имконияти турлича

бўлди. UNCTAD маълумотларига қўра, жаҳондаги қўшилган қийматнинг 80 фоизи трансмиллий компаниилар (ТМК) томонидан бошқариладиган, координация қилинадиган ишлаб чиқариш – савдо занжирда шаклланади². ТМК ички фирма савдосининг катта қисми "она компания ва фирмалари" ёки "қиз фирмалар" ўртасидаги савдодан иборат.

ГҚЗнинг ривожланиши халқаро савдо тараққиётини янги парадигмасининг шаклланишига олиб келди. ТМКлар ишлаб чиқариш қувватларининг турли мамлакатларда жойлашуви оралиқ товар ва хизматлар савдосининг жадал суръатларда ривожланишига турткى бўлди. Натижада маҳсулот компонентларининг жаҳон савдосидаги улуши 60%ни ташкил этди³.

ТМКларнинг асосий фаолияти юқори қўшилган қиймат мужассамлашган хизмат соҳасида олиб борилмоқда. ГҚЗнинг традицион модели учун географик жиҳатдан бутун дунёга бўлиб ташланган муҳим компания ва етказиб берувчиларни юқори даражадаги ўзаро боғлиқлиги хос бўлиб, Covid-19 пандемияси шароитида ўзини мукаммал эмаслигини кўрсатди. 1990 йиллардан бошлаб илмий-техника тараққиётининг жадал ривожланиши ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви дунё хўжалиги таркибини трансформациялашувига олиб келди, кам қўшилган қийматга эга бўлган, кўпгина меҳнат сиғимкорлиги юқори фаолият турлари ривожланаётган мамлакатларга жойлаштирилди ва улар ГҚЗни қўйи звеноларига хизмат кўрсатди (автомобилларни йиғиш, электроника ва бошқа оммавий истеъмол товарлари). Ўз навбатида капитал ва фан сиғимкорлиги юқори бўлган

² World Investment Report 2013: Global Value Chains: Investment and Trade for Development - https://unctad.org/system/files/official-document/wir2013_en.pdf

³ Рогатных Е. Глобальные цепочки добавленной стоимости и их влияние на развитие национальной экономики - <https://mirec.mgimo.ru/upload/ckeditor/files/mirec-2016-4-rogatnykh.pdf>

¹ Global value chains and trade - <https://www.oecd.org/trade/topics/global-value-chains-and-trade/>

вазифалар ТМКни она корхоналарида концентрациялашди. ГҶҚЗни ўзагини ТМКлар ташкил этган ҳолда, улар ҳиссасига жаҳон товар ва хизматлар ишлаб чиқаришини учдан бири ва жаҳон савдосини ярми тўғри келади. ТМКларни топ менежменти рискларни бошқариш тизимини – мураккаб инсон машина комплексини яратди. ГҶҚЗ жаҳон савдосини эластиклигини оширишда муҳим роль ўйнайди. ГҶҚЗ, унда қатнашувчи томонлар ва пировард истеъмолчилар учун қатор афзалликлар беради, ишлаб чиқарувчи компанияларга ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради, миллий юрисдикциядан ташқарида бўлган билим ва капитални олиш имкониятини яратади ва янги бозорлардаги фаолиятини кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот мақсади ГҶҚЗнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини таҳлил қилиш асосида Covid-19 пандемиясининг ГҶҚЗга салбий таъсирини камайтириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини янги глобал занжирга интеграциялашувини кучайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот методлари. Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида статистик маълумотларни қиёсий таҳлил этиш, гурӯҳлаш, тизимли таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Қўшилган қиймат занжири маҳсулотни вужудга келиш давридан унинг пировард истеъмолчиларгача ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларини ишлаб чиқиш ва дизайн, хом-ашё ва оралиқ компонентларни етказиб беришни таъминлаш, маркетинг ва сотишлини ташкил этиш, сотувдан кейинги сервис хизматини таъминлашни ўз ичига олади. ГҶҚЗ ҳолатида юқоридаги ҳамма босқичлар географик жиҳатдан турли мамлакатлар ва минтақаларда жойлашган кўп сонли етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланган. Компаниялар яхлит, бутун маҳсулотни эмас, балки унинг айрим қисмларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Корхоналар ўртасидаги муносабатлар ўзаро барқарор суратларда мунтазам алоқалар олиб боришини тақозо этади.

Мамлакатларни ГҶҚЗдаги қатнашуви фундаментал иқтисодий омиллар ҳисобланган қатнашиш самараси ва фойда олиш билан белгиланади. “ГҶҚЗ ривожланаётган мамлакатлар қатъий ислоҳотлар ва саноати жиҳатдан ривожланган мамлакатлар эса очиқ ва аниқ сиёсат олиб бориши шароитида янада иқтисодиётнинг ўсишини жадаллаштириш, сифатли иш жойларини яратиш ва камбағаллик

даражасини камайтириш имкониятини беради”¹. Техника тараққиёти савдо ва ГҶҚЗ ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади. Тадқиқотлар кўрсатишича, барча мамлакатлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг самарадорлигини ошириб борса, улар ГҶҚЗда қатнашишдан манфаатдор бўлади ва барқарор суръатларда ривожланади.

ГҶҚЗ иқтисодий айланмага 1985 йилда Гарвард университети проф. М.Портер томонидан “Рақобат афзаллиги” китобида киритилди. У қиймат яратилиш жараёнини “компаниянинг ишлаб чиқариш, маркетинг, ўз маҳсулотини етказиб бериш ва хизмат кўрсатишдан иборат”² деб таъкидлайди.

1990 йилдан бошлаб қўшилган қиймат занжири назарияси Г.Джереффи асарларида ривожлантирилди. Жумладан “қўшилган қиймат занжири категориясининг назарий асосларини ривожлантира бориб ҚҶЗни харидор томонидан бошқариш ва сотувчига бўлади; ҚҶЗни тўрт турга: таркибий, географик, бошқарув, институционал муҳитга бўлади, ҳамда “Глобал маҳсулот занжири”ни жаҳон хўжалигига хонадон хўжалиги, корхона ва давлатни боғловчи сифатида ажратади”³. “ҚҶЗга Осиё мамлакатларининг қўшилиши муносабати билан глобал қўшилган қиймат занжири” деб атала бошланди.

Иқтисодий адабиётда Г.Менькю, А.Ван Аше, Дж.Гросман ва бошқаларнинг фикрича XXI аср бошларида тайёр маҳсулотлар савдоси ўрнига маҳсулот қисмлари, компонентлари савдоси кириб келди ва унинг назарий жиҳатларини Д.Рикардонинг нисбий афзаллик назарияси асослари билан исботлашга ҳаракат қила бошладилар. Ушбу ёндашувга кўра ГҶҚЗга меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган хом-ашё компонентлари ортиқча меҳнат ресурсларига эга ривожланаётган мамлакатларга ўтказилган ва фан сиғимкорлиги юқори бўлган ишлар ривожланган мамлакатларда жамлана бошланди.

ГҶҚЗнинг жаҳон савдосига жалб этилиши жадал суратлар билан ривожлана бошлади. UNCTAD эксперлари фикрича жаҳон савдосининг 80% ТМКлар

¹ «Доклад о мировом развитии 2020. Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых целей». Группа всемирного банка 2020. С.5.

² Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высоких результатов и обеспечение его устойчивости. Пер. С анг. – М.: Альпина Бизнес Букс. 2005. С. 70.

³ Interconnected Economics Benefiting from Global Value Chains. // OECD / Electronic resource/ - 2013.

томонидан яратилган халқаро ишлаб чиқариш шохобчалари билан боғлиқ бўлиб, жумладан 60% ишлаб чиқариш жараёнини турли босқичларида қўлланиладиган оралиқ товарлар ва хизматлар савдосидан иборат¹. "Apple" маҳсулотини ишлаб чиқариш ГҶҚЗни тадқиқ этишдаги классик намуна ҳисобланади. Г. Линден ва Дж. Дедрик ҳисобкитобларига кўра Хитойда экспорт қилинадиган ҳар бир iPod АҚШнинг Хитой билан савдо баландидаги дефицитини 150 долларга, iPhone ва iPad эса мутаносиб равишда 229 ва 275 долларга (бош оғисда компания маҳсулотини йиғувчи тайёр маҳсулотнинг сотиладиган баҳоси) оширди. Хитойда маҳсулотни йиғиш 10 долл.га тушади. Маҳсулот қийматининг қолган қисми эса бошқа мамлакатларда яратилади². ГҶҚЗда қатнашиш томонларга ва пировард истеъмолчиларга бар қатор афзаликларга эга бўлиш, ишлаб чиқарувчи компанияларга мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, миллий ҳудуддан ташқаридаги билим ва капиталлардан фойдалана олиш ва янги бозорларда ўз фаолиятини кенгайтира олиш имконини яратади.

Асосий натижалар.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) эксперлари фикрича, ГҶҚЗда қатнашаётган мамлакатларга уни ўсиши ва ривожланишидан қўйидаги афзаликларга эришиш имконини беради:

– ГҶҚЗга интеграциялашаётган мамлакатлар занжирга глобал бозор, капитал, билим ва технологиядан фойдаланиб иқтисодий ривожланишига туртки бўлади. Аксарият ҳолатларда ГҶҚЗга кириши осонлашади. Бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар ГҶҚЗга кираётганда ўз бозорларини савдо ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун очиш, бизнес муҳитини яхшилаш, халқаро савдода қатнашиши учун ўз ички салоҳиятини кучайтириш имкониятига эга бўлади;

– ГҶҚЗда қатнашишда оладиган афзаликларини кўпайтириш учун бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатлар бизнес муҳитини яхшилаш орқали илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ), билимлар ва инвестицион лойиҳалаштиришга сарфланаётган инве-

¹ World Investment Report 2013: Global Value Chains: Investment and Trade for Development - https://unctad.org/system/files/official-document/wir2013_en.pdf p.10

² Capturing Value in Global Networks: Apples iPad and iPhone // University of California [Electronic resource]. – 2011.

стицияларни рағбатлантиришни кучайтириши лозим;

– ГҶҚЗ мамлакатда шартнома интизомини кучайтиришни рағбатлантиради, ваҳоланки шартномаларнинг аниқ ижросини таъминлаш занжирда қатнашишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

– Бозор муносабатлари шаклланаётган аксарият мамлакатлар ресурслар етишмаслиги, жумладан инфратузилмаси ривожланимаганлиги ва инвестиция муҳитининг яхши эмаслиги учун ГҶҚЗга киритилмаган.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) ва Умумжаҳон савдо ташкилотининг (УСТ) 2019 йилда нашр этилган "Савдонинг ривожланишида ривожланаётган мамлакатларга ёрдам" ҳисботида "Эспорт таркибини диверсификациялаш иқтисодий ўсиш ва таркибий ўзгаришларни жадал амалга оширишнинг муҳим қисми бўлиб, аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг мақсади ҳисобланади. XXI аср бошларида оралиқ маҳсулотлар савдоси жадал ривожланаётган шароитда аксарият малакатлар асосий эътиборларини ГҶҚЗга қатнашиш учун экспортни диверсификациялаш стратегиясини амалга оширишга қаратмоқдалар. Глобал иқтисодий ривожланиш тенденцияларининг таҳлили кўрсатишича, жаҳон иқтисодиёти паст иқтисодий ўсиш, савдо ҳажми, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва капитал оқими қисқариши хос бўлган глобализация босқичига кирди. Жаҳонда кескинлашиб бораётган экологик муаммолар ҳам сўнги ўн йилликларда эришилган экспорт ҳажмининг барқарор суръатларда ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

XXI аср бошларида ГҶҚЗ даражасининг пасайиши қўйидаги омиллар таъсирида содир бўлмоқда. Биринчидан, глобаллашув жараёнларининг тўйиниши, ташқи савдо оқимларининг стационар ривожланиш йўлига ўтиши, жаҳон хўжалигининг марказлари ўртасидаги савдо муносабатлари ва протекционизм сиёсатини кучайиши билан характерланадган жаҳон иқтисодиётининг амал қилишининг умумиқтисодий шарт-шароитлари таъсирида бўлмоқда. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётида хизмат соҳаси улушкининг ортиши, ишлаб чиқаришнинг рақамлашуви ва сервислашуви йўналишидаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ. Мамлакатлараро кооперация хизматлари кўрсатиши ва етказиб беришига нисбатан товарлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Учинчидан, товар ишлаб чиқаришнинг истеъмолчига яқинлашуви туфайли ишлаб чиқариш харожатларининг камайиши, логистиканинг ривож-

ланиши, маҳсулот етказиб беришнинг оптималлашуви туфайли трансчегаравий ишлаб чиқариш занжири узунлигининг қисқариши тенденцияси кузатилмоқда.

ГҚҚЗнинг жаҳон савдосига жалб этилиши жадал суръатларда ривожлана бошлади. Вертикал ихтинослашув, аутсорсинг, ишлаб чиқариш функцияларини хорижий компанияларга бериб юбориш туфайли, оралиқ маҳсулотни экспорт қилиш жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Европа Марказий Банки ҳисоб-китобларига кўра 1996 йилдан бошлаб ГҚҚЗда қатнашиш 2008-2009 йиллардаги молиявий-иқтисодий инқирозига қадар узлуксиз ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ўсиб борди¹.

ГҚҚЗ доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон мамлакатлари экспортидаги улуши 1996-2008 йилларда 35%дан 47%гача, жумладан ривожланган мамлакатларда 35%дан 48%гача, бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда эса 32%дан 45%гача ўси².

XXI аср бошларида ГҚҚЗни ривожланишининг глобал тренди рақамли технологиялар ҳисобланади³. Рақамлаштириш халқаро савдо ҳажми қамрови, тезлигини оширади ва унда қатнашиш қийматини кескин пасайтиради. Шунингдек, шахобча коммуникациялари эса ишлаб чиқаришни номарказлашган ишлаб чиқариш моделига ўтишини тезлаштиради, ҳамда ГҚҚЗни координациялашни соддалаштиради.

Қўшилган қийматнинг ГҚҚЗни ишлаб чиқариш циклининг турли босқичларидаги тақсимланиш қонунияти Р. Камплинскийнинг асарларида баён этилган⁴. Одатда хом-ашёни қазиб чиқариш ва бирламчи ишлаш билан шуғулланадиган фирмалар энг кам даромадни олади. Илмий-тадқиқот ишланмалари, маҳсулот дизайнни ва сотувдан кейинги сервис хизматини кўрсатувчи фирмалар эса иқтисодий рентани аксарият қисмини ўзлаштириб олади.

¹ Understanding the Weakness in Global Trade: what Is the New Normal? European Central Bank, Occasional Paper Series, September 2016, no. 178, 45 p. Available at: <http://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpops/ecbop178.en.pdf> p.26

² Understanding the weakness in global trade What is the new normal? European Central Bank. Occasional Paper Series. No 178 / September 2016. p.26

³ Шваб К. Четвертая промышленная революция. Москва: «Эксмо», 2016 – 280 с.

⁴ Kaplinsky R. Global Value Chains, Where They Came from, Where They are Going and Why This is Important. // Innovation Knowledge Development Working Paper №. 68. November 2013. p. 28

Жумладан, спорт пойабзалининг турли брендларини ишлаб чиқаришда субпудратчи ҳисобланган Индонезия фабрикалари тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган даромаднинг оз қисмини олади. Apple компанияси ускунасининг бир қисмини ишлаб чиқарувчи Хитой ишлаб чиқарувчиси унинг 150 долларлик тўлиқ қийматидан 4,0 доллар олади, фойданинг аксарият қисми эса АҚШ, Япония ва Корея республикаси компанияларига тегади⁵.

2009 йил инқироз шароитида жаҳон ЯИМ ҳажми 1,7 %га қисқарган ҳолда ГҚҚЗда маҳсулотлар етказиб бериш 5%га қисқарди⁶. Таҳлиллар кўрсатишича глобал занжир ташки савдо операцияларидан фарқли ўлароқ конюнктура силжишларига мойил бўлади. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда пўлат ишлаб чиқарувчи компаниялар ишлаб чиқариш жараёнида хорижий ресурслардан фойдаланишини қисқартириб, - аутсорсинг даражасини пасайтира бошладилар. Ушбу ҳолат глобал иқтисодиётда реал импорт ўрнини қоплаш сиёсати кучайиб ҳар бир импорт қилинган маҳсулотлардан олинган долларга борган сари камроқ оралиқ маҳсулот ва хизматлар тўғри кела бошлади.

2019 йилда Европалик иқтисодчи олимлар С.Мироудотом (ИХТТ) ва Х.Нордстрем томонидан ГҚҚЗга оид тадқиқот натижалари эълон қилинди. Муаллифлар томонидан аниқланишича глобаллашувнинг актив фазаси ҳисобланган 1995-2008 йилларда ГҚҚЗ доирасида маҳсулот ҳаракатини ўртacha узунлиги 500 км. га узайди. 2012 йилдан кейин эса тескари жараён қузатилиб 210 км.га ёки йилига 52 км.га қисқарди⁷.


ГҚҚЗдаги маҳсулот ҳаракатининг узунлиги тармоқлараро баланс асосида ҳисобланадиган индекс асосида баҳоланади ва қўшилган қиймат занжиридаги ишлаб чиқариш жараёнини мураккаблигини ифодаловчи босқичларни акс эттиради. Бу мамлакатларни ихтинослашув таркибини ГҚҚЗ шаклланаётган ва сўнаётган босқичларга бўлиш асосида баҳолаш имконини беради. Индекс минимал

⁵ Linden G. Dedrick J. Kraemer K.L. Innovation and job creation in a global economy: the case of Apple's iPod. *Journal of International Commerce and Economics*. – 2011. № 3.

⁶ Global Market Size of Outsourced Services from 2000 to 2019 (in billion U.S. dollars). Statista, 2020. Available at: <https://www.statista.com/statistics/189788/global-outsourcing-market-size/>

⁷ Miroudot, S; Nordström, H. Made in the world revisited. Working Paper, EUI RSCAS, 2019/84, Global Governance Programme-373, [Global Economics]. European University Institute. 2019. p.18

1-расм. Дунё мамлакатларининг глобал ишлаб чиқариш-сотиш занжиринда қатнашиш даражаси¹.



даражаси ҳисобланган бир дона тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда оралиқ товар ва хизматлар умуман фойдаланмаганигина кўрсатади.

Ҳар бир ГҶҚЗга қатнашувчи мамлакат ўзининг ихтисослашувига кўра, жадал қатнашаётган ва паст шаклланаётган мамлакатларга бўлинади. Жадал қатнашаётган мамлакатлар мураккаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва кейинчалик тайёр маҳсулот кўринишида мамлакатга импорт қилинадиган товарлар учун хомашё ва компонентларни экспорт қилишга ихтинослашган бўлади. Паст суръатларда шаклланаётган мамлакатларга тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун хом-ашё товарлари ва комплект қисмларини импорт қилувчилар киради. Ўзбекистон ГҶҚЗга тўлиқ жалб этилган ҳолда, аксарият ҳолатларда биринчи мамлакатлар қаторига киради².

ГҶҚЗ 1990-2007 йилларда техника тараққиётининг жадал суратларда транспорт, ахборот ва алоқа соҳасида ривожланиши, савдо

тўсиқларининг қисқариши ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш жараёнини миллий чегарадан ташқарига тарқалишига имкон берди. ГҶҚЗ биринчи навбатда машинасозлик, электроника саноати ва транспорт тармоқлари ривожланган Шарқий Осиё, Фарбий Европа ва Шимолий Америкада кенг тарқала бошлади. ГҶҚЗда фаол иштирок этишга ресурслар билан таъминланганлик, географик жойлашув, бозор ва институтлар ҳажми каби омиллар таъсир кўрсатди. XXI асрнинг 20 йилларида жаҳондаги иқтисодий ўсишнинг секинлашуви, жумладан инвестицион фаолликнинг пасайиши туфайли халқаро савдо ва ГҶҚЗ ўсиш суратлари секинлашди.


Жаҳонда жадал суръатлarda ривожланаётган мамлакатлар ва тармоқларда ишлаб чиқаришни тақсимланиши такомиллашиб борди. Жумладан, Хитой экспортга нисбатан ички бозор учун кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. АҚШда сланц нефть қазиб чиқариши жадал суръатларда ривожланиши 2010-2015 йилларда нефть импортини 25%га қисқаришига ва қайта ишлаш саноатини хорижга кўчириш рағбатларини сусайишига олиб келди.

Жаҳонда пандемия шароитида ГҶҚЗни ўзгаришига ташки савдодаги протекционистик чора-тадбирларни ўсиши салбий таъсир иқтисод ва молия / экономика и финансы 2022, 1(149)

¹ Доклад о мировом развитии 2020. «Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых цепей», Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк. 1818 H Street NW, Washington DC 20433. с.6.

² OECD. International Economics Benefiting from Global Value Chains. – Paris. OECD. 2013.

2-расм. Ривожланган мамлакатларни ГКҚЗдаги қатнашиш индекси (ялпи экспорт ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида)¹.



күрсатмоқда. Протекционистик чора-тадбирлар хорижга олиб чиқып кетилгандан ишлаб чиқаришни мамлакатларға қайтаришни ёки янги ҳудудларға күчиришга таъсир күрсатмоқда.

Covid-19 пандемия туфайли турли глобал хавф-хатарларни вужудға келиши, ривожланиши компанияларға ГКҚЗни ноаниқликлар ва таҳдидлар йүқолгунға қадар инвестиция мұхитини яхшила-нишига қадар инвестицион лойиҳаларни амалга ошириши көчкитиради.

Айрим мамлакатларни ГКҚЗда иштирок этиш даражасини аниклаш мұхим илмий-амалий ақамиятта әзіз. Иқтисодий адабиёттә ушбу дара-жаны аниклаш учун вертикаль ихтисослашув – импорт қилинған товарларни мамлакатни ялпи экспортидеги улуши күрсатқицидан фойдаланылади. ГКҚЗ ривожланиб борган сары бошқа мамлакатларда экспорт товарларини ишлаб чиқаришда оралиқ импорт сифатида фойдаланыладиган мамлакат экспорт қылладыған товар ва хизматларни улуши – күшімча вертикаль ихтисослашув күрсатқицидан ҳам фойдаланылади. ИХТТ мамлакатларда хорижий оралиқ товарлар улуши - мамлакатни үчинчи мамлакатларға экспорт қилишда құлланиладыған мамлакат ичіда ишлаб чиқарылған оралиқ товарларни мамлакатни ялпи экспортты ҳажмидағи фоиз күренишидеги улуши күрсатқицидан фойдаланылмоқда.

Таҳлиллар күрсатишича кичик очиқ мамла-катлар (Корея Республикасы, Финляндия, Швей-цария) хорижий манбалардан оралиқ маңсулотлар ва құшилған қиймат занжирини катта мамлакат-ларға нисбатан күпроқ олади. Құшилған қиймат

занжири иқтисодиёт ҳажміга қараганда экспортни қанчалик қисмі импорт билан боғлиқлигига мойил бўлади. Жумладан АҚШ экспортидан хорижий "контент" улуши 15%ни ташкил этган ҳолда, мамлакатнинг ГКҚЗ қатнашуви индекси 40%га тенг.

Иқтисодий адабиётда ГКҚЗ узунлиги тармоқлараро баланс асосида ҳисобланади. ГКҚЗ тармоқ таркиби таҳлили күрсатишича телекоммуникация ускуналари, автомобиль саноати, металлургия, енгил ва электротехника саноатлари ишлаб чиқариши узунлиги жиҳатидан бошқа тармоқларга нисбатан катта ҳисобланади. Энг қисқа ГКҚЗи узун-лиги қазиб чиқариши саноатида кузатилади.


Тадқиқтлар күрсатишича **гиперіхтисослашув** компаниялар самарадорлигини оширади ва улар ўртасидаги илғор технологияларни тарқалишига ёрдам беради, занжир доиразида капитал ва ресурсларга эга бўлиши имкониятини яратади.

Бозор муносабатлари ривожланаётган мамла-катлар компанияларини ГКҚЗда қатнашуви аъзо мамлакатлар компанияларидан меҳнат унумдор-лигини иккі баравар ошириш имконини беради. Ҳисоб-китобларга кўра ГКҚЗда қатнашиш дара-жасини 1%га ортиши жон бошига тўғри келади-ган даромадларни одатдаги ҳалқаро савдода (0,2%) қатнашишга нисбатан 1% кўпайтириш имконини беради². Одатда максимал иқтисодий ўсиш суръ-атарини жадаллашуви мамлакатларни хом-ашё

² «Доклад о мировом развитии 2020. Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых целей». Группа всемирного банка 2020. С.7. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32437/211457ovRU.pdf>

¹ <https://www.wto.org>

3-расм. Дунё мамлакатлари глобал ишлаб-чиқариш-сотиш занжирининг қайта ишлаш, қисман қатнашиш босқичига қўшилганда жон бошига даромадлар ўса бошлади¹.



экспорт қилишдан импорт компонент, масалан матодан фойдаланган ҳолда мураккаб бўлмаган тайёр маҳсулотлар (масалан, тайёр кийим) экспорт қилишда кузатилади. Ушбу ҳолат Бангладеш, Вьетнам ва Комбоджада шаклланган².

Шунингдек мамлакатларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мураккаб қатнашиш шаклларига ўтиш билан боғлиқ. Чекланган миқёсдаги ишлаб чиқаришдан ривожланган қайта ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ўтиш пировард натижада инновацион фаолиятга ўтиш ишловчиларни касбий малакаси, боғлиқлиги ва тартибга солувчи идораларга нисбатан кескин юқори талабларни қўяди.

ГҶҚЗ шароитида юқори сифатли иш жойлари яратилади ва унинг бандлик билан алоқаси мураккаб кўринишда бўлади. ГҶҚЗда қатнашувчи компанииларда одатда меҳнат унумдорлиги юқори бўлиб, ишлаб чиқаришни капитал сиғимкорлиги катта бўлиб, меҳнат сиғимкорлиги эса паст бўлади.

¹ Доклад о мировом развитии 2020. «Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых цепей», Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк. 1818 H Street NW, Washington DC 20433. с.6


² «Доклад о мировом развитии 2020. Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых целей». Группа всемирного банка 2020. С.7. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32437/211457ovRU.pdf>

ГҶҚЗда қатнашувчи компанияларда меҳнат унумдорлигини ортиши ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ва бандликни ўсишига олиб келади. Қўшилган қиймат занжиринда иштирок этиш туфайли ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар содир бўлади. Ишчи кучи меҳнат унумдорлиги паст корхоналардан юқори бўлган қайта ишлаш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга ўтади.

ГҶҚЗда қатнашиш ишловчилар бандлиги ва даромадини ўсиши ҳамда камбағалликни қисқартириш имконини беради. Шундай қилиб, ГҶҚЗда иштирок этиш тайёр маҳсулотлар савдосига нисбатан иқтисодий ўсиш суръатларини юқорироқ бўлишини таъминлаб камбағалликни қисқартириш учун шарт-шароит яратади (3-расмга қаранг).

ГҶҚЗда иштирок этишдан олинган самара мамлакатлар ўртасида ва мамлакат ичida нотекис тақсимланади. Комплект қисмларни ишлаб чиқариш ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларини ривожланаётган мамлакатларга ўтказаётган йирик компаниялар, устамаларни ошириб ўз даромадларини кўпайтирадилар. Шу билан биргаликда ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарувчиларнинг устамасини камайиши содир бўлади. Кам даромадли мамлакатлар билан савдони ривожланиши ва техника тараққиёти, мамлакат ичida меҳнат ва капиталдан олинган қўшилган

4-расм. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш туфайли ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинаётган өхтиёт қисмлар ҳажмининг ортиши¹.



қийматни қайта тақсимлаш имконини беради. Табақаланиш даражаси меҳнат бозорида мала-кали меҳнатга тўланадиган иш ҳақи аста-секин ошиб борган сари кучаяди.

Ишлаб чиқариш жараёнига янги, юқори технологияларни жорий этиш ташки савдо ўсишини жадаллаштиради. Ривожланаётган мамлакатларда автоматлашув ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат сифимкорлиги паст бўлган услубларни қўллаш ва меҳнат сифимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларга бўлган талабни қисқартиради.

Рақамли платформада ишловчи компаниялар шу тариқа савдо харажатларини қисқартиради ва кичик фирмаларни маҷаллий бозордан чиқиб жаҳон бозорида ўз товар ва хизматларини сотишдан манфаатдор бўлиб қолади. Автомобиль, компьютер каби мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини номарказлашуви мамлакатларга маҳсулотларни содда компонентлари (қисмлари)ни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш имконини беради.

ГҚҚЗда қатнашиш даражасига ресурслар билан таъминланиш, географик жойлашув, бозор ҳажми ва инфратузилма институтларини ривожланиш даражаси ва сиёsat таъсир кўрсатади. АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо уруши протекционизмни ва сиёсий ноаниқликни кучайишига, пировард натижада ГҚҚЗ узилишига таъсир кўрсатади. Ушбу савдо урушининг кескинлашуви ва инвесторлар томонидан инвестицион муҳитга билдирилган ишончни кескин сусайишига олиб келади, жаҳон иқтисодиёти ўсишига салбий таъсир кўрсатиб камбағаллик даражасини ортишига олиб келади. Натижада кунига 5,5 АҚШ долларидан ҳисобланган камбағаллик чегарасидан пастга 30 миллион киши тушиб қолиш ва жаҳон даромади камида 1,4 триллион долларга қисқариши мумкин².

Хулосалар.

Covid-19 пандемиянинг ГҚҚЗга таъсири қуйидаги йўналишларда содир бўлади:

- пандемия тарқалиши хавф-хатари туфайли завод ва фабрикалар фаолиятини тўхташи, унда

¹ Доклад о мировом развитии 2020.

«Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых цепей», Международный банк реконструкции и развития/ Всемирный банк. 1818 H Street NW, Washington DC 20433. с.8.

² Доклад о мировом развитии 2020: Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых цепей. Обзор. 2020. Международный банк реконструкции и развития. Вашингтон, 2020. с.12.

ишлоғчиларни касалликка чалиниши ҳолатларини күпайиши ва давлат томонидан ижтимоий масофани сақлаш тартиби, қоидаларини киритилиши;

- бир қатор маҳсулотларни четга экспорт қилиш, жумладан тибиёт товарларини ва Covid-19 касаллиги кенг тарқалган мамлакатлардан маҳсулотларни импорт қилишни ман этилиши ГҚҚЗга салбий таъсир кўрсатди;

- ёпилган корхоналар билан ишлаб чиқариш алоқаларида бўлган компанияларга билвосита таъсир кўрсатди. Комплект қисмларни етказиб беришни вақтингча тўхтатилиши занжирили реакция кўринишда ГҚҚЗни узилишига олиб келди;

- халқаро ва мамлакат ичида аҳоли ҳаракатланишини бузилиши, айрим мамлакатлarda халқаро транспорт алоқалари ва халқаро туризм инқирозини келтириб чиқарди. Ҳукуматлар томонидан юкларни божхонада расмийлаштиришга оид қўшимча талабларни жорий этилиши ва маъмурий чекловларни қўллаш туфайли ташилаётган юқ ҳажмларини қисқариши шулар жумласидандир;

- БМТнинг Савдо ва ривожланиш конференцияси (ЮНКТАД) ҳисоб-китобига кўра 2020-2021 йилларда глобал хорижий инвестициялар ҳажми 30-40% қисқарди ва ГҚҚЗи доирасидаги халқаро ишлаб чиқариш тизими бирмунча вақт беқарор кўринишга эга бўлди ва парчаланди;

- таҳлиллар кўрсатишича, жаҳонда 2021 йилда ярим ўтказгичларни етказиб бериш ҳажми талабга нисбатан 10-30% паст бўлди, таклиф билан талаб мувозанатини таъминлаш учун эса 1-2 квартал талаб этилади. 2020 йилда жаҳонда ишлаб чиқарилган ярим ўтказгичларни 54% Тайванда, 17% Корея Республикасида, 12% АҚШда ва қолган қисми Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларда ишлаб чиқарилди¹;

- жаҳон глобал логистикасидаги инқирозни намоён бўлиш шаклларидан бири стандарт 40 фунтли контейнерни Шарқ-Фарб йўналишини 8 асосий маршрутида етказиб бериш қиймати 2020 йилда 360%га ўсади ва 10 000 долларга етди. UNCTAD маълумотига кўра, 2022 йилда АҚШ ва Еврозона мамлакатларида контейнер юкларини етказиб бериш қиймати 10% га ўсиши

ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришини 1%га қисқартиради²;

- UNCTAD ташкилотини маълумотларига кўра ГҚҚЗдаги узилишлар 2022 йилгача давом этди ва 2023 йилга қадар контейнер юклари фрахтини қиймати 10,6%га ўсади;

- Covid-19 пандемия шароитида жаҳон логистика занжиридаги узилишлар қуйидаги муаммоларни келтириб чиқарди: а) компаниялар ўз маҳсулотларини омборларга қўйишини хоҳламайди (JIT тизимини амал қилиши); б) ГҚҚЗ жаҳонга тарқалиб кетиши, жумладан Хитойда йиғилаётган компьютер учун чиплар ва клавиатура Тайван ва Малайзиядан олинади, дисплей Корея Республикасидан, айрим деталлар эса Европага буютирилади.

XXI асрнинг 20 йилларида ГҚҚЗ концепцияси иқтисодий назария ва амалиётнинг таркибий қисмига айланди. Ушбу концепцияни чукур таҳлил қилиш турли мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнини бўлиниши моҳиятини тушунтириш, ташқи бозор учун мўлжалланган товарларни қўшилган қийматни парчаланиш услубинини аниқлаш имконини беради. "Made in the World" тушунчаси реал мазмунга эга бўлган ишлаб чиқариш глобал тусга кирди.

ГҚҚЗ иқтисодиётдаги инқироз ҳолатларини тутгатища муҳим роль ўйнайди. Жаҳон мамлакатларида чўзилиб кетган лоқдаунлар ва карантин чекловлари глобал халқаро савдони тикланишига тўсиқ бўлиб, ГҚҚЗда импорт ресурсларини жалб этмаган ҳолда ички қўшилган қиймат улушкини ортишини рағбатлантиради ва шу асосда айрим мамлакатлар рақобатбардошлигини ўсишига олиб келади. Пандемия шароитида ГҚҚЗининг мамлакатлар ичқидагига нисбатан ташқи таҳдидларга мойиллиги кўзга ташланди, ГҚҚЗни фаолиятини барқарорлаштириш глобал иқтисодий фаолликни ошириш ва Covid-19 асоратларини йўқотища муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг ГҚҚЗдаги қатнашуви хусусияти шундаки, мамлакат қатнашаётган, шунингдек, у жалб этилган алоқаларнинг аксарият қисми қўшилган қиймат занжирида иштирок этиш имконини бермайди. Мамлакат компаниялари экспорт қилган хом-ашё мамлакатга тайёр маҳсулот кўринишда тегишли устамалар қўйилган ҳолда

² Масштабное исследование ООН прогнозирует рост цен из-за проблем с логистикой. www.unctad.org

¹ <https://inosmi.ru/social/20211108/250852527.html>

қайтиб келади. Мамлакатнинг ГҶҚЗда қатнашиш ҳолатини яхшилаш айрим тармоқ ёки корхоналар учун ижобий самара кўринишида эмас, балки яхлит иқтисодиёт учун ижобий кумулятив самарани таъминлаши нуқтаи-назаридан муҳим ҳисобланади. иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва секторлари учун рақамли иқтисодиётга ўтиш бу борада катта имкониятларни яратади. ГҶҚЗ концепциясини амал қилиш йўналишларини тизимлаштириш ғояларидан Ўзбекистон иқтисодиётини глобал қўшилган қиймати занжирига интеграци-

ялашуви учун зарур бўлган миллий компонентларни ГҶҚЗга киришидаги рақобатбардошлик даражасини таҳлил этиш занжир қатнашчиларини географик тақсимотини аниқлаш; занжир бошқарув шаклларини ўрганиш, ГҶҚЗни тармоқларда жорий этишни институционал жиҳатларини тадқиқ этиш, жаҳон иқтисодиётида қўшилган қиймат ҳаракатини кузатиш мамлакатларни ГҶҚЗи таркибий қисмларига киришиш йўлларини комплекс аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Доклад о мировом развитии 2020. Торговля как инструмент развития в эпоху глобальных производственно-сбытовых целей». Группа всемирного банка 2020. С.16.
2. Capturing Value in Global Networks: Apples iPad and iPhone // University of California [Electronic resource]. – 2011.
3. Global Market Size of Outsourced Services from 2000 to 2019 (in billion U.S. dollars). Statista, 2020. Available at: <https://www.statista.com/statistics/189788/global-outsourcing-market-size/>
4. Global value chains and trade - <https://www.oecd.org/trade/topics/global-value-chains-and-trade/>
5. Interconnected Economics Benefiting from Global Value Chains. // OECD / Electronic resource/- 2013.
6. Kaplinsky R. Global Value Chains, Where They Came from, Where They are Going and Why This is Important. // Innovation Knowledge Development Working Paper №. 68. November 2013. p. 28
7. Linden G. Dedrick J. Kraemer K.L. Innovation and job creation in a global economy: the case of Apple's iPod. Journal of International Commerce and Economics. – 2011. № 3.
8. Miroudot, S; Nordström, H. Made in the world revisited. Working Paper, EUI RSCAS, 2019/84, Global Governance Programme-373, [Global Economics]. European University Institute. 2019. p.18
9. OECD. International Economics Benefiting from Global Value Chains. – Paris. OECD. 2013.
10. Understanding the weakness in global trade What is the new normal? European Central Bank. Occasional Paper Series. No 178 / September 2016. p.26
11. World Investment Report 2013: Global Value Chains: Investment and Trade for Development - https://unctad.org/system/files/official-document/wir2013_en.pdf p.х
12. Масштабное исследование ООН прогнозирует рост цен из-за проблем с логистикой. www.unctad.org
13. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высоких результатов и обеспечение его устойчивости. Пер. С анг. – М.: Альпина Бизнес Букс. 2005. С. 70.
14. Рогатных Е. Глобальные цепочки добавленной стоимости и их влияние на развитие национальной экономики - <https://mirec.mgimo.ru/upload/ckeditor/files/mirec-2016-4-rogatnykh.pdf>
15. Шваб К. Четвертая промышленная революция. Москва: «Эксмо», 2016 – 280 с.
16. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32437/211457ovRU.pdf>
17. <https://www.wto.org>
18. <https://inosmi.ru/social/20211108/250852527.html>